

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА СЕВАРА ЭРКИНОВНА**

**ПРЕЭКЛАМПСИЯ ЭРТА ДИАГНОСТИКАСИ ВА ПРОГНОЗЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Махмудова Севара Эркиновна**

Преэклампсия эрта диагностикаси ва прогнозлаш усулларини  
такомиллаштириш..... 3

**Махмудова Севара Эркиновна**

Совершенствование методов прогнозирования и ранней диагностики  
преэклампсии ..... 31

**Makhmudova Sevara Erkinovna**

The improvement of prognostic methods and early diagnosis of  
preeclampsia..... 57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 60

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВА СЕВАРА ЭРКИНОВНА**

**ПРЕКЛАМПСИЯ ЭРТА ДИАГНОСТИКАСИ ВА ПРОГНОЗЛАШ  
УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01–Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.4.PhD/Tib1072 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Негмаджанов Баходур Болтаевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Султонов Саидазим Насирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуллаева Лагия Мирзатуллаевна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Н. И. Пирогова номидаги Винницк миллий тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34; e-mail: [ilmiyprorektori@sammi.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammi.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233–30–34.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.М. Шамсиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.З. Шодикулова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**Д.А. Отакулов**

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги.** Дунёда преэклампсия (ПЕ) ҳолати акушерлик амалиётининг энг оғир асоратларидан бири ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда «...оналар ўлимининг сабаби бўлган гипертоник асоратлар барча омилларнинг 30% ни ташкил этиб, дунёда ҳар йили тахминан 8,5 миллион преэклампсия касаллиги қайд этилади, бу барча ҳомиладорликнинг 2-8% ташкил этади, ҳар йили аёлларнинг 1% ушбу патологиядан вафот этади...»<sup>1</sup>. Ўзбекистонда ПЕ «ҳомиладор аёлларнинг 11-16 %да учрайди ва оналар ўлими сабаблари орасида учинчи ўринни эгаллайди»<sup>2</sup>. Айни пайтда перинатал йўқотишларни камайтириш, оналар ва болалар соғлиғини сақлаш, ўз вақтида хавф гуруҳларини аниқлаш, прогностик мезонларни ишлаб чиқиш касалликни даволаш ва олдини олиш масалалари акушерлик амалиётида ечими топилиши зарур бўлган муаммо ҳисобланади.

Жаҳонда преэклампсия ҳолатини эрта ташхислаш, кечишини башорат қилиш ва келтириб чиқарувчи хавф омилларини аниқлашга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ПЕни ривожланишида асосий хавф омиллари бўлиб ҳисобланадиган тана вазни индекси юқорилиги, зарарли одатларнинг мавжудлиги, контрацепция усуллари номуносиб қўлланилиши, сурункали артериал гипертензия, қандли диабет, антифосфолипид синдроми, тромбофилия, оғирлашган акушерлик (такрорий ҳомила ташлаш, олдинги ҳомиладорлик пайтида ПЕ кузатилиши) ва ирсий анамнез эътиборга олган ҳолда ҳомиладор аёлларда учрайдиган ПЭни ўз вақтида ташхислаш, даволаш ва эклампсия ривожланишини олдини олиш тартибини амалиётга татбиқ қилиш чора – тадбирлар комплексини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, оналар ва болалар саломатлигини сақлаш, уларда учрайдиган касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайтириш, ПЕ ривожланишини олдини олишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...Оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш»<sup>3</sup> вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ҳомиладорлик даврида s-Flt-1 оксили ва плацента ўсиш

<sup>1</sup> Айламазян Э.К., Кулаков В.И., Радзинский В.Е., Савельева Г.М. Акушерство. Национальное руководство. М.: ГЕОТАР-Медиа. 2014.

<sup>2</sup> WHO recommendations for prevention and treatment of preeclampsia and eclampsia 2014

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3071-сон Қарори.

омили (PLGF) кўрсаткичларини баҳолаш, AGTR1, AGTR2 ва NO<sub>3</sub> генларининг полиморф вариантларининг учраш даражасини таҳлил қилиш, ПЭ патогенезида муҳим ҳисобланган хавф омилларни аниқлаш касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган оналар ўлими кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Преэклампсия ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида кон босимининг кўтарилиши ва сийдикда оксил ажралиши билан кечадиган мураккаб акушерлик патологияси бўлиб, ханузгача уни башорат қилишнинг асосий усуллари мавжуд эмас. Ҳозирги вақтда преэклампсия патофизиологиясини ёритиш борасида бир мунча ютуқларга эга бўлишига қарамай, қарама-қарши назариялар мавжудлиги муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди (Сквортцова, В.И. 2018). Преэклампсия билан касалланган онадан туғилган ҳар бешинчи бола жисмоний ва психоэмоционал ривожланишини бузилиши билан бўлиб, бу эса гўдаклик ва эрта болалик даврида касалланиш даражаси юқори булишига сабаб бўлади (ЖССТ хисоботи 2012). Преэклампсия фонида янги туғилган чақалоқларнинг касалланиш даражаси 64% дан 78% гача, перинатал ўлим эса 18-30% ни ташкил қилади (Аксенова А.С., Козиолова Н.А., Падрул М.М. 2017). Ҳозирги кунда акушерлик амалиётида юқори технологияларни қўллашига қарамай, ПЕни тўлиқ даволаш имконияти мавжуд эмас. Шунинг учун касалликнинг ривожланишини олдини олиш, касалликнинг дастлабки босқичларида ташхислаш ва оғирлик даражасини камайтириш асосий вазифаларидан биридир (Акуленко А.В., Тахилова С.Г. ва бошқалар 2015). Шу сабабли, профилактика чоралари ва ҳомиладорликга тайёргарликни ўз вақтида ўтказиш учун ҳомиладорликдан олдин ПЕ ривожланиш эҳтимолини баҳолаш, башорат қилиш ва эрта ташхислашнинг янги усуллари излаш муҳимдир.

Ангиоген омилларнинг мувозанати, эндотелиал ўсиш омили (ЭЎО) ёки плацента ўсиш фактори (ПЎФ) ва ангиогенезга тўсиқ бўлувчи омиллар, шу жумладан, эрувчан ФМСга ўхшаш тирозин-киназа 1 оксили, преэклампсия

патогенезида асосий аҳамиятга эга. Ушбу соҳада чуқур патогенетик тадқиқотлар олиб борилаётганига қарамай, преэклампсиянинг патофизиологияси ҳали ҳам тўлиқ ўрганилмаган. Нормал кечаётган ҳомиладорликда ПЎФ концентрацияси аста-секин ўсиб боради, 15 ҳафтадан бошлаб 28-32 ҳафтагача максимал даражага етади, сўнгра шунга ўхшаш тарзда камаяди (Anand S., Bench Alvarez T. M., Johnson W. E. et al. 2015). Плацента ўсиш омили (ПЎФ) - бу плацентада синтез қилинган цитокинлар оиласининг оқсили бўлиб, ангиогенезнинг кучли стимулятори ҳисобланади ва у янги томирларнинг пайдо бўлишини таъминлайди. s-FLT-1 оқсили, яъни эрийдиган Фмс-га ўхшаш тирозин-киназа-1 бу плацента фактор омилининг антагонистидир (Меркушова Л.И. 2020). Нормал ҳомиладорлик даврида плацента оз миқдордаги ПЎФ (плацента ўсиш омили) ва унинг антагонисти s-FLT-1 (эрувчан фмс га ўхшаш тирозин-киназа 1, VEGF-1 ретцепторлари варианты) ишлаб чиқаради. Преэклампсияда s-FLT-1 синтезининг кучайиши эркин айланувчи ПЎФ даражасининг пасайишига олиб келади, бу эндотелиал хужайраларнинг дисфункцияси билан боғлиқ бўлиб, у артериал қон босимининг кўтарилишига, сийдикда оқсил пайдо бўлиши ва бошқа аломатлар билан намоён бўлади (Головченко Ю.И., Трещинская М.А. 2018). Хужайра юзасида 2-тип ангиотензин рецепторлари сонининг кўпайиши AGTR 2 1675G аллели билан белгиланади, чунки бу ген транскрипсиясини фаоллаштириш билан боғлиқ. Геннинг регуляцион минтақасида G1675A нуклеотид ўрнини босиши билан ген экспрессиясининг регуляцияси характери салбий ўзгаради (Елькин А. Ю. 2021). Натижада, ушбу паст функционал полиморфизмни ташувчиларида 2-чи турдаги рецепторлари сони камаяди ва уларнинг қисман функцияси юқолади, бу эса артериал гипертензия хавфини оширишга ёрдам беради (А.В. Дзансолова, А.М. Торчинов, Л.В. ва бошқалар 2015). Гомозиготларда ҳомиладорлиги асоратланган аёллар гуруҳидаги AGTR2 1675A/A генотипининг юқори частотасини аниқланади (Савельева Г.М., Шалина Р.И. 2018).

Мамлакатимизда етук олимлар томонидан ПЕда семириш фониди буйрак ва ЮКТ тизими гемадинамикасини ўзгариши (Туксанова Д.И. 2020), ПЕда витамин ва микроэлементлар етишмовчилигини аниқлаш (Негматуллаева М.Н. 2019), Бириктирувчи тўқима патологиясида фониди преэклампсиянинг ривожланиши (Каттаходжаева М.Х. 2020), Преэклампсияни башоратлаш: функционал ташхислаш усулининг замонавий хусусиятлари (Ахмедов Ф.Қ. 2017) ва бошқаларнинг бу борадаги тадқиқотлари диққатга сазовордир, бироқ преэклампсияни эрта ташхислаш ва башоратлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Юқорида келтирилган далиллар шуни кўрсатадики, преэклампсиянинг диагностикаси ва прогнозини оптималлаштириш, асоратларнинг олдини олиш акушерлик амалиётининг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда ва ҳали хал этилмаган, мунозарага сабаб буладиган муаммолар бу тадқиқотнинг илмий ва амалий жихатдан зарур эканлигини тасдиқлайди. Ўтказилган таҳлил генетик мойилликни, эндотелий функциясини ПЕ патогенезидаги ўрнини ўрганиш касалликни ташхислаш, даволаш ва башорат

қилишда долзарб муаммо эканлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда соҳада орттирилган тажриба ва олиб борилган илмий ва амалий тадқиқотларни эътиборга олиб, кейинги йўллари белгилашга имкон беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 090921394-сонли «Оналик ва болалик соғлигини ҳимоя қилишнинг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташхислаш, даволаш ва профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2017-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** клиник, эндотелиал ва генетик предикторларга асосланган ҳолда преэклампсияни башорат қилиш ва эрта ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

преэклампсия билан оғриган беморларнинг клиник ва анамнестик маълумотларини таҳлил қилиш;

преэклампсия билан оғриган беморлар қон зардобиди s-Flt-1 оксиди ва плацента ўсиш фактори (PLGF) узаро нисбий боғлиқлигини ҳамда ҳомиладорлик билан боғлиқ А (РААР-А) оксидининг концентрациясини таҳлил қилиш.

преэклампсия билан оғриган беморларда AGTR1, AGTR2 ва NO<sub>3</sub> генларининг полиморф вариантларининг аллель ва генотипларнинг тақсимланишини баҳолаш ҳамда касаллик кечишининг оғир даражаси билан боғлиқлигини аниқлаш;

преэклампсия билан оғриган беморларда эндотелиал омилларнинг плацента ётоғидаги морфологик ўзгаришлар ўртасидаги узаро боғлиқлиги исботлаш;

касалликни эрта ташхислаш ва башоратлаш буйича ишлаб чиқарилган тавсияларга асосланган ҳолда преэклампсияни оғир кечишида самарали даво усулларини ва профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017 йилдан 2021 йилгача булган даврда Самарқанд шаҳар 2-сон тугруқхонага мурожаат қилган 202 нафар ҳомиладорлар ва 75 нафар қайд этилган ёшдаги соғлом аёллар олинган. Тадқиқотнинг биринчи босқичда преэклампсия (ПЕ) бўлган 132 нафар ҳомиладор аёл хавф гуруҳларини аниқлаш учун ўрганилди. Иккинчи босқичда 70нафар аёл 11-13 ҳафтадан бошлаб ПЕ ривожланиш хавфи билан текширилди. Таққослаш гуруҳини преэклампсиясиз 40 нафар ҳомиладор аёллар ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий, генетик тадқиқотлар учун веноз қон ва зардоби, шунингдек морфологик текшириш учун плацента ётоғидан материаллар олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, ташқи акушерлик текшируви, биокимёвий (плацента ўсиш омили ва s-FLT-1 оксиди), молекуляр-генетик (AGTR1, AGTR2 ва NO<sub>3</sub> генларининг полиморф вариантларининг аллел ва генотипларини аниқлаш), гистологик (плацента



ётоғини текшириш), инструментал (УТТ, КТГ) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан оғриган хомиладорларда касалликнинг эрта босқичида s-Flt-1 оксили микдорининг ошиши хисобига плацента ўсиш омилининг (PLGF) ўзгариши артериал қон босимининг кўтарилишига, сийдикда оксил пайдо бўлишига олиб келувчи прогностик маркерларнинг муҳим ўрни очиб берилган;

илк бор преэклампсияли хомиладорларда AGTR2 генининг G/G генотибида 2-турдаги ангиотензин рецепторлар сонини ошиши хисобига қон томирлар торайиши касалликнинг клиник кечиши оғирлашишига олиб келиши аниқланган;

илк бор преэклампсия билан оғриган беморларда NOS3 геннинг салбий алел ва генотиплари полиморф кўринишларини тарқалиш даражасини қон томир деворида яллиғланиш жараёнини кучайиши хисобига юрак қон-томир ва буйрак функцияси бузилиши билан боғлиқлиги асосланган;

преэклампсия билан оғриган хомиладорларда псевдоваскулогенез жараёнини бузилиши оқибатида эндотелиал s-Flt-1 оксили ва плацента ўсиш омилларининг (PLGF) плацента ётоғидаги аниқланган морфологик ўзгаришлар орасида корреляцион боғлиқлик ( $r=0,85$ ) аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

преэклампсия билан оғриган беморларнинг клиник, анамнестик ва хавф омилларини таҳлил қилиш заминида касалликни эрта ташхислаш усули асосланган;

преэклампсияда беморлар қон зардобидида s-Flt-1 оксили ва плацента ўсиш фактори (PLGF) ва хомиладорлик билан боғлиқ А (РААР-А) оксилининг аниқлаш эрта прогностик маркер сифатида қўлланилиши тавсия этилган.

касалликни эрта ташхислаш ва башоратлаш асосланган ҳолда преэклампсияни оғир кечишида самарали даво усулларини ва профилактика чора-тадбирларни такомиллаштириш буйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, клиник, биокимёвий, генетик, инструментал, гистологик усуллардан фойдаланилганлиги, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқот натижаларини кўп томонлама таҳлил қилиш, олинган маълумотларга тўғри статистик ишлов бериш, оқилона баҳолаш шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти анамнезидаги хавф омилларини, лаборатория-инструментал текширишлар ва клиник белгиларни таҳлил қилиб преэклампсия мавжуд хомиладорларда аёллардаг s-Flt-1 оксили ва плацента

ўсиш фактори (PLGF) узаро нисбий боғлиқлигини ҳамда хомиладорлик билан боғлиқ А (РААР-А) оксилнинг концентрациясини аниқлаш, AGTR1, AGTR2 ва NO<sub>3</sub> генларининг полиморф вариантларининг аллель ва генотипларнинг таксимланишини баҳолаш ҳамда касаллик кечишининг оғир даражаси билан боғлиқлигини исботлаш асосида ўз вақтида ташхис қўйиш ва асоратларини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти хомиладорлик даврида ПЕ мавжуд аёлларнинг компьютер захирасини яратиш, уларнинг ҳолатини динамик кузатиш, касаллик асоратларини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш, преэклампсияни башорат қилиш учун ЭВМ дастури ва преэклампсиянинг скрининг дискограммаси ишлаб чиқилганлиги аёлларда преэклампсиянинг ривожланишини эрта ташхислашни ва она ва бола ҳаётини сақлаб қолиши ва тиббий ёрдамни сифатини оширишга имкон берувчи амалий тавсияномалар тиббиёт амалиётига тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Хомиладорларда преэклампсияни башоратлаш ва эрта ташхислашда янги ёндашувлар ишлаб чиқиш буйича олинган натижалар асосида:

хомиладорликда преэклампсияни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш буйича янги ёндашувлар масалалари ишлаб чиқилган «Преэклампсияни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилиш буйича янги ёндашувлар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 апрелдаги 8 н-р/362-сон маълумотнома). Мазкур услубий тавсиянома преэклампсияси мавжуд хомиладор аёлларни даволаш ва профилактика чора-тадбирларни тадбиқ этиш имкониятини берган.

Преэклампсияни диагностикаси ва асоратларини олдини олиш ва шошилигч ёрдам курсатиш усуллари ишлаб чиқилган «Преэклампсия ва унинг асоратларида акушерлик тактикаси ва шошилигч ёрдам» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 24 апрелдаги 8 н-р/363-сон маълумотнома). Мазкур услубий тавсиянома преэклампсияси мавжуд хомиладор аёлларни касалликнинг асоратлари сонини камайтиришга, преэклампсиянинг эрта ташхисида AGTR1, AGTR2 ва NO<sub>3</sub> генлар полиморфизмлари асосий аҳамиятини аниқлашга имконини берган;

преэклампсияси бор хомиладорларда клиник, биокимёвий, генетик ва инструментал хусусиятлари буйича олинган илмий натижалар Самарқанд шаҳри 1 ва 2-сон туғруқхоналари, Каттақўрғон ва Иштихон туман тиббиёт бирлашмаларининг амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 июлдаги 08-09/9345-сон маълумотномаси). Тавсияларни жорий этилиши преэклампсияни эрта ташхисни оптималлаштиришга, касалликнинг олиб боришини башорат қилишга, асоратларни ўз вақтида олдини олишга, шунингдек беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ва даволаш учун кетаётган маблағни тежаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 117 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида амалга оширилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ахамияти, ушбу ишга бўлган талаб асослаб берилган, илмий ишнинг объекти ва предмети тавсифланган, мазкур изланишнинг республика фан ҳамда технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий ахамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.**

**"Презклампися - муаммонинг замонавий кўриниши, башорат қилиш ва эрта ташхис қўйиш"** диссертациясининг биринчи бобида ушбу мавзу бўйича батафсил тадқиқот натижалари, шунингдек, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили берилган. Тадқиқот натижаларига кўра расмий статистик маълумотлар дунёда ва Ўзбекистонда презклампися муаммоси бўйича маълумотлар таҳлил қилинди. ПЕ муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, унинг этиологияси ва патогенезидаги кўп ҳолатлар тушунарсиз бўлиб қолмоқда. Ҳомиладорликнинг ушбу асоратини олдини олиш ва даволаш учун уйғун этиологик асосли тактикалар мавжуд эмас.

Ҳомиладорликнинг бошланишидан олдин ёки унинг дастлабки босқичларида ҳам беморда ПЕ ривожланишини тахмин қилиш мумкин бўлган тадқиқотлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Ҳозирги вақтда ПЕни башорат қилиш учун маркерларни чуқур ўрганиш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, ҳомиладор аёлларда эндотелиал ўзгаришлар ва ушбу касалликнинг ривожланишининг генетик жиҳатлари эътиборга лойиқдир.

Диссертациянинг иккинчи бобида **"Тадқиқот материаллари ва услублари"** клиник материаллар, лаборатория ва статистик тадқиқотлар усуллари ва маълумотлари батафсил баён этилган. Тадқиқотда энг кенг ишлатиладиган лаборатор модификацияларидан бири - гетероген ИФА (enzymelinked immunosorbent assay, ELISA) ишлатилган, унинг принципи ўрганилаётган намуна антигенининг бир вақтнинг ўзида иммобилизация

килинган ўзига хос антитаначаси (АТ) билан ўзаро таъсири бўлиб, қаттиқ матритца (бирламчи АТ) ва ўзига хос АТ нинг фермент билан бирикмасидир (иккиламчи АТ).

Боғланган конюгат миқдори фермент билан реакцияга киришадиган хромоген субстрат ёрдамида аниқланади. Бундай ҳолда, олинган рангнинг интенсивлиги намунадаги АТ миқдorigа мутаносиблиги аниқланади.

NOS3 генидаги Glu298Asp, NOS3 генидаги T786C, NOS3 генидаги C774T, AGTR1 генидаги A1166C ва AGTR2 генидаги G1675A полиморфизмларини молекуляр биологик текширишлари муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги қон қуйиш ва гематология илмий тадқиқот институти молекуляр тиббиёти ва хужайра технологияси бўлимида ўрганилди.

Тадқиқотда қуйидаги реактивлар ва ферментлар ишлатилган: реакция аралашмалари, Тақ ДНК полимераза, термостабил ДНК полимераза эритувчиси («Сибэнзим», Новосибирск, Россия; «Invitrogen», США); олигонуклеотид праймерлар, ДНК ажратиш учун реактивлар). Периферик қон лимфотцитларидан геномик ДНК экстракти, лимфоцит ядроларидан ДНК экстракцияси «РИБО-ПРЕБ» томонидан ишлаб чиқарилган стандартлаштирилган тест тўпламлари ёрдамида амалга оширилди.

Иккинчи бобда преэклампсияси бўлган ҳомиладор аёлларнинг клиник ва анамнез маълумотлари натижалари ҳам урганилди. Преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар ва физиологик ҳомиладорлиги бўлган аёлларнинг клинко-анамнестик маълумотларини қиёсий таҳлили асосида преэклампсия ривожланишининг хавф омиллари аниқланди.

#### Жадвал 1

##### Кузатилган беморларда ПЕ ривожланишининг хавф омиллари

Хавф омиллари	Асосий гуруҳ n (%)	Солиштирув гуруҳи n (%)
Биринчи ҳомиладорлик / биринчи туғруқ	72(54,5%)	20(50%)
Ёши <20 ёш	35(26,5%)	5(12,5%)
Ёши >35 ёш	9(6,8%)	0 (0%)
Кўп ҳомиладорлик	2(1,5%)	0 (0%)
Кўп сувлик	3(2,3%)	0 (0%)
Олдинги ҳомиладорликдаги преэклампсия	40(30,3%)	1(2,5%)
Сурункали артериал гипертензия	7(5,3%)	0 (0%)
Қандли диабет	1(0,8%)	0 (0%)
Семириш	38(28,8%)	0 (0%)
Сийдик йуллари инфекцияси	55(41,7%)	3(7,5%)
Нафас олиш тизимининг сурункали яллиғланиш касалликлари	71(53,8%)	0 (0%)
Сурункали гепатит	5(3,8%)	0 (0%)
Ушбу ҳомиладорликда УРИ	17(12,9%)	3(7,5%)
Тухумдон поликистоз синдроми	12(9%)	0 (0%)
Бачадон ва бачадон ортиқларининг ўсмалари	27(20,5%)	3(7,5%)
Бепуштликни даволашдан кейин ҳомиладорлик	25(19%)	2(5%)

Интергенетик интервал <2 йил	3(22,7%)	12(30%)
Интергенетик интервал > 5 йил	37(28%)	2(5%)
Ҳомиладорликнинг ўз-ўзидан тушиши	17(12,9%)	9(22,5%)
Ривожланмаган ҳомиладорлик	15(11,4%)	0 (0%)
Неонатал ўлим	7(5,3%)	1(2,5%)
Ҳомиладор аёлларни қусиши	29 (22%)	3(7,5%)
Антенатал кузатувнинг етишмаслиги	103(78%)	27(67,5%)

Изоҳ: Асосий ва солиштирув гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончилиги. ( $p>0,05$ )

Қизиғи шундаки, асосий гуруҳнинг барча беморларида ўртача 4,6 хавф омиллари бўлган. Ва фақат битта илк ҳомиладорлик ва биринчи туғруқ билан бўлган аёлда хавф омиллари аниқланмади.

Диссертатсиянинг учинчи боби "**Преэклампсиянинг башорати ва эрта ташхиси**" олтига кичик бўлимдан иборат бўлиб, биринчиси преэклампсиянинг ривожланиши, эндотелий функцияси, ген полиморфизмлари ва плацента ётоғининг морфологик текшириши акс эттирган.

Иккинчи кичик бўлимда ПЕ билан оғриган аёлларда ангиоген ҳолати, ген полиморфизмини аниқлаш натижалари ҳақида маълумот берилган. Учинчи кичик бўлимда плацента ётоғининг морфологик тадқиқотлари натижалари, тўртинчи кичик бўлимда COVID 19 пандемияси даврида кузатилган аёлларда ПЕнинг кечиш ҳолатлари ва хусусиятлари тасвирланган ва бешинчи кичик бўлимида умумий натижалар муҳокама қилинган.

Қон томирлари эндотелийсининг ҳолати, ген полиморфизми ва ҳомиладорликнинг дастлабки босқичларида хавф туғдирадиган ҳомиладор аёлларда аниқ ўзгаришлар ва олтинчи бобда ПЕни башорат қилиш ва ривожланиш хавфини яхшилаш учун компютер дастури тасвирланган.

Самарқанд шаҳар 2-сон туғруқхонасига қабул қилган аёллардан, 87 ҳомиладорларга (65,9%) енгил, 45 ҳомиладор аёлларга (34,1%) оғир преэклампсия ташхиси қўйилган. Шундай қилиб, беморлар асосий касалликнинг оғирлиги бўйича -  $O_1$  ва  $O_2$ - 2 та кичик гуруҳга бўлинган. Ҳомиладор аёлларнинг ёши 18 дан 38 ёшгача бўлиб, ўртача ёшнинг фарқи  $27,5 \pm 0,5$  йилни ташкил қилди.

Шу билан бирга,  $O_1$  кичик гуруҳида ўртача ёш  $24,7 \pm 1,2$  ёшни,  $O_2$  кичик гуруҳда эса  $28,9 \pm 0,4$  ёшни ташкил этди. ПЕ билан касалланган беморларни рўйхатдан олиш муддати:  $O_1$  - 12 ҳафтагача - 21 (24,1%); 12-22 ҳафта - 44 (50,6%); 22 ҳафтадан сўнг - 15 (17,2%); рўйхатдан ўтмаганлар - 9 та (10,3%).  $O_2$  12 ҳафтагача - 8 (17,8%); 12-22 ҳафта - 17 (37,8%); 22 ҳафтадан сўнг - 12 (26,7%); рўйхатдан ўтмаганлар - 6 (13,3%).


Шуни таъкидлаш керакки, кейинчалик ПЕ ривожланган 15 (11,3%) бемор ҳомиладорлик пайтида умуман кузатилмаган. Ушбу аёллар дастлаб аниқланган ПЕ ташхиси билан текширилди. Шу билан бирга, касалликнинг оғир шакли аёлларнинг 13,3% ривожланган.

**2-жадвал**

**Текширилаётган аёлларда ПЕнинг асосий клиник белгилари.**

Симптомлар	O <sub>1</sub> кичик гуруҳи	O <sub>2</sub> кичик гуруҳи
Гипертензия + протеинурия	87(100%)	45(100%)
АГ + протеинурия + анасарка ± асцитлар	0 (0%)	16(35,6%)
АГ + протеинурия + бош оғриғи	0 (0%)	11(24,4%)
АГ + протеинурия + эшитиш / кўриш бузилиши	0 (0%)	11(24,4%)
АГ + протеинурия + эпигастрал соҳада оғриқ	0 (0%)	6(13,3%)
АГ + протеинурия + кўнгил айнаши / қайт қилиш	0 (0%)	4(8,9%)

Оғир ПЕ бўлган аёллар гуруҳидаги асосий биокимёвий кўрсаткичлар (билирубин, АЛТ, АСТ, умумий оқсил) назорат гуруҳи ва O<sub>1</sub> гуруҳига нисбатан анча юқори ( $p \leq 0.001$ ). O<sub>2</sub> гуруҳининг ўхшаш кўрсаткичларини таққослаганда, ушбу кўрсаткичлар бироз ошганлиги таъкидланди, аммо сезиларли фарқлар топилмади. Гемостаз тизимининг кўрсаткичларига келсак, иккала гуруҳда назоратга қараганда анча юқори эди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, гемостаз параметрлар ҳам ПЕ ривожланишининг белгиси бўлиши мумкин.



Расм 1. ПЕ билан оғриган беморларда қон босимининг қиймати.

Ҳозирги вақтда эмбриоспецифик оқсил РААР-А (ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган А оқсил) ПЕнинг диагностик белгиси сифатида муҳим прогностик аҳамиятга эга. РААР-А ишлаб чиқариш камайганлиги фонида она-плацента-ҳомила тизимида қон томирлар қаршилигининг кучайиши кузатилмоқда, бу эса плацента томирларидаги эндотелий дисфункциясининг ривожланишига олиб келади ва бу ПЕ белгиларидан бири сифатида қаралиши мумкин. Бизнинг тадқиқотимизда фақат оғир ПЕ бўлган ҳомиладор аёлларда соғлом ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган аёллар гуруҳига нисбатан РААР-А оқсили сезиларли даражада пасайган. Енгил ПЕ билан касалланган беморлар гуруҳидаги ушбу кўрсаткичга келсак, у соғлом ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган аёллар билан таққослаганда статистик

жихатдан сезиларли фарқга эга эмас. Бу эса РААР-А оксили фақат оғир ПЕ учун диагностик мезон бўлиши мумкин деган хулосага келишимизга имкон берди.

### Жадвал 3

#### Ҳомиладорликнинг II ва III триместрларида ҳар хил оғирликдаги преэклампсия билан бўлган аёлларда PIGF, sFlt-1 миқдори ва уларнинг sFlt-1/ PIGF нисбати динамикаси

Ҳомиладорлик даври Енгил ПЕ (n=87)	III триместр			Ҳомиладорлик даври Оғир ПЕ (n=45)	III триместр		
	PIGF нг/мл	sFlt-1 нг/мл	sFlt-1/ PIGF нг/мл		PIGF нг/мл	sFlt-1 нг/мл	sFlt-1/ PIGF нг/мл
34 ҳафтагача (n=16)	78,8±4, 7	7040±5 4	115,4±6, 4	34 ҳафтагача (n=22)	61,7±3, 8	11505± 70	208,4±1 1,1
34-37 ҳафта (n=62)	62,6±3, 8	12568± 52	147,2±8, 0	34-37 ҳафта (n=20)	59,1±3, 0	13621± 82	237,3±1 2,4
38 ҳафта ва ундан юқори (n=9)	43±2,4	13902± 61	242,1±1 1,5	38 ҳафта ва ундан юқори (n=3)	38,4±2, 0	14502± 91	324,9±1 6,1

Изоҳ: Енгил ПЕ ва Оғир ПЕ беморлар гуруҳлари ўртасидаги кўрсаткичлар фарқларининг ишончилиги ( $p>0,05$ ).

Ҳомиладорликнинг 16 ҳафтасида PIGF ва sFlt-1 кондаги миқдори ҳомиладорликнинг 17 ва 18 ҳафталаридаги нормал кўрсаткичлардан сезиларли даражада фарқ қилмади. Ҳомиладорликнинг 19-ҳафтасида PIGF оксилининг миқдори сезиларли даражада ошди ва ҳомидорликнинг 20-ҳафтасида 19-ҳафтадаги нисбатига қараганда оксил миқдори сезиларли даражада ошди. sFlt-1/PIGF миқдорининг нисбати ҳам шунга мос равишда ўзгарди. Ҳомиладорликнинг 16-18 ҳафталигида sFlt-1/ PIGF нисбати ўртача  $13,1 \pm 2,6$ , 19-20 ҳафталарда эса  $6,9 \pm 2,1$  тўғри келди. Шунинг таъкидлаш керакки, ҳомиладорликнинг биринчи триместрида (11-13 ҳафта) ушбу кўрсаткичнинг ўртача қиймати  $39,3 \pm 4,2$  ни ташкил этди. Кўриниб турибдики, ПЕ билан оғриган аёлларда ПЕ даражасига қараб PIGF миқдори сезиларли даражада пасаяди. Шу билан бирга, конда sFlt-1 оксилининг миқдори кўтарилди. 30-32 ҳафталарда PIGF миқдори ҳомиладорликнинг 20 ҳафталигига қараганда 2 баробардан кўпроқ юқори бўлди ва ҳомиладорликнинг ушбу давларида sFlt-1 миқдори сезиларли даражада фарқ қилмади. Шунга кўра, ҳомиладорликнинг 30-32 ҳафтасида sFlt-1/PIGF нисбати минимал ва ўртача  $1,7 \pm 0,8$  ни ташкил этди. Бу ўзгаришлар эндотелиал хужайраларнинг дисфункциясини кўрсатиб, клиник жихатдан гипертония, протеинурия ва ПЕ нинг бошқа кўринишлари билан намоён бўлади. Ҳомиладорликнинг 33-36 ҳафтасида PIGF миқдори, ҳомиладорликнинг 30-32 ҳафтаси билан таққослаганда 3 баравар кам бўлиб, sFlt-1 миқдори 2 баравар ошди. Ушбу кўрсаткичларнинг нисбати  $10 \pm 2,5$  ни ташкил этди. Ҳомиладорликнинг 37-40 ҳафталигида PIGF миқдорининг

янада пасайиши ва sFlt-1 миқдорининг ошиши қайд этилди. Уларнинг нисбати  $17,6 \pm 2,4$  ташкил этди.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижасида sFlt-1, PIGF миқдори ва ҳомиладорлик пайтида уларнинг нисбати 11-13 ҳафтасида, 16 -20 ҳафтасида ва 30-40 ҳафтасида бўлган маълумотлар олинди. Шунини таъкидлаш лозимки, тадқиқот учун танланган ҳомиладорлик даврлари айнан шу вақтда биринчи ва иккинчи триместрларда режалаштирилган пренатал диагностика ўтказилади, шунингдек, учинчи триместрда ҳомила ҳолатини динамик равишда кузатиб бориш билан боғлиқ. Ҳомиладорликнинг ушбу ҳафталарида эндотелиал омилларни аниқлашда, преэклампсия ривожланиши хавфини баҳолаш, асоратлар ва перинатал йўқотишлар сонини камайтиришга ёрдам беради.

Преэклампсияси мавжуд бўлган аёлларда артериал гипертензия хавфи билан боғлиқ генларнинг полиморфизмини ўрганаётганда, преэклампсия билан бўлган аёлларда генлардаги паст функционал вариантларнинг частотаси (ангиотензин II ва нитрат оксиди синтазаси учун 1 ва 2 турдаги рецепторлари гени), ҳомиладорликнинг физиологик кечиши билан бўлган аёлларда статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошганлиги аниқланди.

#### Жадвал 4

#### Асосий ва назорат гуруҳида NOS3 генида Glu298Asp полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси

Аллел	Мароми (%)		$\chi^2$	P-value	OR	Паст. чегара 95% CI	Юқори чегара 95% CI
	Преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳи (n=54)	Назорат (n=35)					
Glu	73,8	77,1	0,215	0,643	0,85	0,42	1,71
Asp	26,2	22,9	0,215	0,643	1,18	0,58	2,39
Генотиплар							
Glu/Glu	50	60,1	0,855	0,355	0,67	0,28	1,58
Glu/Asp	40,7	34,2	0,375	0,540	1,32	0,54	3,19
Asp/Asp	9,3	5,7	0,368	0,544	1,68	0,31	9,20

NOS<sub>3</sub> гени полиморфизмини қиёсий текширишда (4-жадвал) Asp аллеллари преэклампсияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида (26,2%) кўпроқ учрайди, шу билан бирга назорат гуруҳига нисбатан статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ топилмади ( $\chi^2=0,215$ ; P-value= 0,643; OR=1,18, CI 95% - 0,58-2,39).

NOS<sub>3</sub> генининг полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, Glu/Asp (40,7%) ва Asp/Asp (9,3%) генотиплари преэклампсияси мавжуд бўлган беморларда назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ бўлганлигини кўрсатди, аммо статистик жиҳатдан муҳим ишончлилик аниқланмади ( $\chi^2=0,375$ ; P-value= 0,540; OR=1,32, CI 95% - 0,54-3,19;  $\chi^2=0,368$ ; P-value = 0,544; OR=1,68, CI 95% - 0,31-9,20).



NOS<sub>3</sub> ген полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, Glu/Asp генотиплари преэклампсияси бўлган беморларда (41,6%) назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ содир бўлганлигини кўрсатди, ammo статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ топилмади было ( $\chi^2=0,410$ ; P-value= 0,522; OR=1,37, CI 95% - 0,52-3,58). NOS<sub>3</sub>гени полиморфизмини қиёсий ўрганиш натижасида Glu/Asp (38,8%) ва Asp/Asp (22,3%) генотипларининг оғир преэклампсияси мавжуд бўлган беморларда назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ учрайди, ammo статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ топилди ( $\chi^2=0,110$ ; P-value=0,741; OR=1,22, CI 95% - 0,38-3,96;  $\chi^2=3,227$ ; P-value= 0,072; OR=4,71, CI 95% - 0,77-28,77).

#### Жадвал 5

#### Асосий ва назорат гуруҳида eNOS генида T786C полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси

Аллел	Мароми (%)		$\chi^2$	P-value	OR	Паст. Чегара 95% CI	Юқори чегара 95% CI
	Преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳи (n=54)	Назорат (n=35)					
<b>T</b>	60,2	84,3	<b>11,673</b>	<b>0,001</b>	<b>0,28</b>	<b>0,13</b>	<b>0,60</b>
<b>C</b>	39,8	15,7	<b>11,673</b>	<b>0,001</b>	<b>3,55</b>	<b>1,68</b>	<b>7,51</b>
Генотиплар							
<b>T/T</b>	46,3	74,3	<b>6,800</b>	<b>0,009</b>	<b>0,30</b>	<b>0,12</b>	<b>0,75</b>
<b>T/C</b>	27,8	20,0	<b>0,690</b>	<b>0,406</b>	<b>1,54</b>	<b>0,55</b>	<b>4,27</b>
<b>C/C</b>	25,9	5,7	<b>5,883</b>	<b>0,015</b>	<b>5,78</b>	<b>1,22</b>	<b>27,25</b>

eNOS генидаги T786C полиморфизмини қиёсий ўрганиш (5-жадвал) шуни кўрсатдики, C аллеллари преэклампсияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида (39,8%) кўпроқ учрайди, бу эса назорат гуруҳи (-) билан таққослаганда статистик жиҳатдан муҳим фарқ сифатида акс этди ( $\chi^2=1,673$ ; P-value= 0,001; OR=3,55, CI 95% - 1,68-7,51).

eNOS генидаги T786C полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, C/C генотиплари преэклампсияси бўлган беморларда (25,9%) кўпроқ кузатилганлигини кўрсатди, бу эса статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга ( $\chi^2=5,883$ ; P-value= 0,015; OR=5,78, CI 95% - 1,22-27,25).

eNOS генидаги T786C полиморфизмини қиёсий ўрганишда, шунингдек, энгил преэклампсия бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида аллел C (38,9%) тез-тез учрайди, бу назорат гуруҳи билан таққослаганда сезиларли фарқ билан тасдиқланган ( $\chi^2=9,568$ ; P-value= 0,002; OR=3,41, CI 95% - 1,53-7,59).

Ушбу генни оғир преэклампсия билан оғриган гуруҳ билан, шунингдек C аллелининг статистик жиҳатдан муҳим частотаси (41,7%) мавжуд бўлиб назорат гуруҳи билан таққослаганда ( $\chi^2=8,650$ ; P-value= 0,003; OR=3,83, CI 95% - 1,52-9,65) ташкил этди.

eNOS генидаги T786C полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, C/C генотипларининг энгил преэклампсияси бўлган ҳомиладор аёлларда (25,0%)

назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан статистик жиҳатдан анча юқори бўлганлигини кўрсатди ( $\chi^2=5,041$ ; P-value=0,025; OR=5,50, CI 95% - 1,09-27,64).

eNOS генидаги T786C полиморфизмини қиёсий ўрганиш, шунингдек, C/C генотипларининг оғир преэклампсияси бўлган беморларда (27,8%) назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан анча юқори бўлганлигини кўрсатди ( $\chi^2=5,048$ ; P-value=0,025; OR=6,35, CI 95% - 1,09-36,92).

**Жадвал 6**

**Асосий ва назорат гуруҳларида eNOS генида C774T полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси**

Аллел	Мароми (%)		$\chi^2$	P-value	OR	Паст. чегараси 95% CI	Юқор чегара 95% CI
	Преэклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳи (n=54)	Назорат (n=35)					
<b>С</b>	69,4	78,6	<b>1,796</b>	<b>0,180</b>	<b>0,62</b>	<b>0,31</b>	<b>1,25</b>
<b>Т</b>	30,6	21,4	<b>1,796</b>	<b>0,180</b>	<b>1,61</b>	<b>0,80</b>	<b>3,26</b>
Генотиплар							
<b>С/С</b>	48,1	60,0	<b>1,197</b>	<b>0,274</b>	<b>0,62</b>	<b>0,26</b>	<b>1,47</b>
<b>С/Т</b>	42,6	37,1	<b>0,262</b>	<b>0,609</b>	<b>1,26</b>	<b>0,52</b>	<b>3,00</b>
<b>Т/Т</b>	9,3	2,9	<b>1,384</b>	<b>0,239</b>	<b>3,47</b>	<b>0,39</b>	<b>31,04</b>

eNOS генидаги C774T полиморфизмини қиёсий текширишда (6-жадвал), преэклампсияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида Т аллеллари кўп учрайди (30,6%), шу билан солиштирганда статистик жиҳатдан назорат гуруҳи ўртасида аҳамиятли фарқ бўлмади ( $\chi^2=1,796$ ; P-value= 0,180; OR=1,61, CI 95% - 0,80-3,26).

eNOS генидаги C774T полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, преэклампсияси мавжуд бўлган беморларда С/Т (42,6%) ва Т/Т (9,3%) генотиплари назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ содир бўлганлигини кўрсатди, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятли ишончилиги топилмади ( $\chi^2=0,262$ ; P-value= 0,609; OR=1,26, CI 95% - 0,52-3,00;  $\chi^2=1,384$ ; P-value= 0,239; OR=3,47, CI 95% - 0,39-31,04).

eNOS генидаги C774T полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, преэклампсияси мавжуд бўлган беморларда С/Т (41,6%) ва Т/Т (11,1%) генотиплари назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ содир бўлганлигини кўрсатди, аммо статистик жиҳатдан сезиларли фарқ топилмади ( $\chi^2=0,152$ ; P-value=0,697; OR=1,21, CI 95% - 0,47-3,14;  $\chi^2=1,847$ ; P-value= 0,174; OR=4,25, CI 95% - 0,45-40,08). Тадқиқот шуни кўрсатдики, оғир преэклампсия билан бўлган беморларда С/Т (44,4%) ва Т/Т (5,6%) генотиплари билан касалланиш даражаси назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан анча юқори ( $\chi^2=0,265$ ; P-value=0,607; OR=1,35, CI 95% - 0,43-4,30;  $\chi^2=0,238$ ; P-value= 0,625; OR=2,00, CI 95% - 0,12-33,97).

**Асосий ва назоратгуруҳларида AGTR1 генида A1166C  
полиморфизмининг аллеллари ва генотипларининг тарқалиш частотаси**

Аллел	Мароми (%)		$\chi^2$	P-value	OR	Паст. чегара 95% CI	Юқори чегара 95% CI
	Прееклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳи (n=54)	Назорат (n=35)					
<b>A</b>	74,1	72,9	<b>0,032</b>	<b>0,857</b>	<b>1,06</b>	<b>0,54</b>	<b>2,10</b>
<b>C</b>	25,9	27,1	<b>0,032</b>	<b>0,857</b>	<b>0,94</b>	<b>0,48</b>	<b>1,85</b>
Генотиплар							
<b>A/A</b>	57,4	57,1	<b>0,001</b>	<b>0,980</b>	<b>1,01</b>	<b>0,43</b>	<b>2,39</b>
<b>A/C</b>	33,3	31,4	<b>0,035</b>	<b>0,851</b>	<b>1,09</b>	<b>0,44</b>	<b>2,71</b>
<b>C/C</b>	9,3	11,4	<b>0,110</b>	<b>0,740</b>	<b>0,79</b>	<b>0,20</b>	<b>3,17</b>

AGTR1 генидаги A1166C полиморфизмини қиёсий текширишда (7-жадвал), преэклампсияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида A аллеллари (74,1%) кўпроқ бўлганлиги, шу билан бирга назорат гуруҳи билан солиштирганда статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ бўлмаганлиги қайд этилмади ( $\chi^2=0,032$ ; P-value= 0,857; OR=0,94, CI 95% - 0,48-1,85).

AGTR1 генидаги A1166C полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, A/C генотиплари преэклампсияси бўлган беморларда (33,3%) назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан бирмунча юқори бўлганлигини кўрсатди, шу билан бирга статистик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди ( $\chi^2=0,035$ ; P-value= 0,851; OR=1,09, CI 95% - 0,44-2,71).

AGTR1 генидаги A1166C полиморфизмини қиёсий текширувида енгил преэклампсияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида A аллеллари кўп учрайди (74,1%), назорат гуруҳи билан таққослаганда статистик жиҳатдан фарқи йўқ эди ( $\chi^2=0,010$ ; P-value = 0,919; OR=0,96, CI 95% - 0,49-2,18).

Оғир преэклампсия билан оғриган гуруҳдаги ҳомиладорлар AGTR1 генидаги A1166C полиморфизмини қиёсий ўрганишда ушбу гуруҳда C аллели борлиги (40,5%) назорат гуруҳига нисбатан юқори бўлганлиги таъкидланган ва шунингдек, статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлиги аниқланган ( $\chi^2=2,302$ ; P-value= 0,129; OR=1,92, CI 95% - 0,82-4,47).

AGTR1 генидаги A1166C полиморфизмини ўрганиш A/A генотиплари преэклампсияси бўлган беморларда (66,7%) назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ содир бўлганлигини кўрсатди, аммо статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ аниқланмади ( $\chi^2=0,683$ ; P-value= 0,409; OR=1,50, CI 95% - 0,57-3,93).

Шунингдек, оғир преэклампсия билан оғриган беморларда A/C генотиплари билан касалланишнинг юқори кўрсаткичларини кўрсатди (61,1%), бу статик жиҳатдан муҳим фарқ сифатида акс этди ( $\chi^2=4,314$ ; P-value=0,038; OR=3,43, CI 95% - 1,05-11,23).

**Асосий ва назорат гуруҳларида AGTR2 генидаги аллеллар ва  
генотипларнинг G1675A полиморфизмининг тарқалиш частотаси**

Аллел	Мароми (%)		$\chi^2$	P-value	OR	Паст. чегара 95% CI	Юқори чегара 95% CI
	Презклампсия билан касалланган ҳомиладор аёллар гуруҳи (n=54)	Назорат (n=35)					
<b>A</b>	60,2	85,7	<b>13,238</b>	<b>0,000</b>	<b>0,25</b>	<b>0,12</b>	<b>0,55</b>
<b>G</b>	39,8	14,3	<b>13,238</b>	<b>0,000</b>	<b>3,97</b>	<b>1,83</b>	<b>8,59</b>
Генотиплар							
<b>A/A</b>	44,4	74,3	<b>7,682</b>	<b>0,006</b>	<b>0,28</b>	<b>0,11</b>	<b>0,70</b>
<b>A/G</b>	27,8	22,8	<b>0,268</b>	<b>0,604</b>	<b>1,30</b>	<b>0,48</b>	<b>3,49</b>
<b>G/G</b>	24,1	2,9	<b>7,212</b>	<b>0,007</b>	<b>10,78</b>	<b>1,34</b>	<b>86,65</b>

AGTR2 генидаги **G1675A** полиморфизмини қиёсий ўрганиш (8-жадвал) шуни кўрсатдики, презклампсияси мавжуд бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида **G** аллеллари кўпроқ учрайди (39,8%), назорат гуруҳи билан солиштирганда статистик жиҳатдан муҳим фарқ акс этган ( $\chi^2=13,238$ ; P-value= 0,000; OR=3,97, CI 95% - 1,83-8,59).

AGTR2 генидаги **G1675A** полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, **G/G** генотиплари презклампсияси мавжуд бўлган беморларда (24,1%) назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан кўпроқ содир бўлганлигини кўрсатди, бу ҳам статик аҳамиятга эга ( $\chi^2=7,212$ ; P-value= 0,007; OR=10,78, CI 95% - 1,34-86,65).

AGTR2 генидаги **G1675A** полиморфизмини қиёсий ўрганишда, шунингдек, энгил презклампсия билан бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида **G** аллеллари кўп учрайди (37,5%), бу назорат гуруҳи билан таққослаганда сезиларли фарқ билан тасдиқланган ( $\chi^2=9,927$ ; P-value=0,002; OR=3,60, CI 95% - 1,58-8,19).

Ушбу генни оғир презклампсия билан оғриган гуруҳда таққослаганда, шунингдек, **A** аллелининг (44,4%) статистик жиҳатдан муҳим частотаси назорат гуруҳи билан таққослаганда нисбатан сезиларли эканлиги аниқланди ( $\chi^2=11,681$ ; P-value= 0,001; OR=4,80, CI 95% - 1,88-12,27).

AGTR2 генидаги **G1675A** полиморфизмини ўрганиш, шунингдек, **G/G** генотипларининг энгил презклампсияси мавжуд бўлган аёлларда (22,2%) назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан статистик жиҳатдан анча юқори бўлганлигини кўрсатди ( $\chi^2=6,012$ ; P-value=0,014; OR=9,71, CI 95% - 1,14-82,42).

Қиёсий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, оғир презклампсия билан оғриган беморларда (27,8%) **G/G** генотиплари билан касалланиш даражаси назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан анча юқори ( $\chi^2=7,353$ ; P-value=0,007; OR=13,08, CI 95% - 1,39-122,86).

Преекламписия ривожланиш хавфи бўлган аёллар гуруҳидаги ва назорат гуруҳидаги eNOS генидаги Glu298Asp полиморфизми аллелларининг тарқалиш частотасини таққослаш таҳлили шуни кўрсатдики, таққосланган гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжуд эмас ( $\chi^2=0,516$ ; P-value= 0,472; OR=0,77, CI 95% - 0,37-1,59;  $\chi^2=0,516$ ; P-value= 0,472; OR=1,31, CI 95% - 0,63-2,71).


eNOS генида Glu298Asp полиморфизми генотипларининг тарқалиш частотасини таҳлил қилиш (2-расм) ҳам таққосланган гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан преекламписия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда Glu/Asp генотиби (41,9%) нисбатан кўп учраб туришига қарамай аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатди ( $\chi^2=0,468$ ; P-value= 0,494; OR=1,38, CI 95% - 0,55-3,48).



**Расм 2. Преекламписия ривожланиш хавфи бўлган аёллар гуруҳида ва назорат гуруҳидаги Glu298Asp полиморфизм генотипларини eNOS генида тарқалиш частотаси.**

Преекламписия ривожланиш хавфи бўлган аёллар гуруҳида ва назорат гуруҳида eNOS генида T786C полиморфизми аллелларининг тарқалиш частотасини таҳлили хавф омиллари бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳида аллел C (38,4%) тарқалишини статистик жиҳатдан сезиларли фарқ билан акс этди ( $\chi^2=9,783$ ; P-value= 0,002; OR=3,34, CI 95% - 1,54-7,26).

T786C полиморфизми генотипларининг eNOS генида тарқалиш частотасини таҳлил қилиш (3-расм) шуни кўрсатдики, преекламписия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда T/T генотиби анча кам учрайди (51,2%) ва C/C генотиби назорат гуруҳига (74,3% ва 5,7%) нисбатан анча кенг тарқалган (27,9%), бу статистик жиҳатдан акс этган ( $\chi^2=4,359$ ; P-value=0,037; OR=0,36, CI- 95% - 0,14-0,95;  $\chi^2=6,453$ ; P-value=0,011; OR=6,39, CI 95% - 1,32-30,86).



**Расм 3. Преэклампсия ривожланиши хавфи бўлган аёллар гуруҳи ва назорат гуруҳларида eNOS генида T786C полиморфизми генотипларининг тарқалиш частотаси.**

Преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган аёллар гуруҳидаги eNOS генидаги C774T полиморфизм аллелларининг тарқалиш частотасини таққослаш таҳлили- таққосланган гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатди ( $\chi^2=0,864$ ; P-value= 0,353; OR=0,70, CI 95% - 0,34-1,48;  $\chi^2=0,864$ ; P-value= 0,353; OR=1,42, CI 95% - 0,68-2,98).

C774T полиморфизм генотипларининг eNOS генида тарқалиш частотасини таҳлил қилганда (4-расм) **преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган ҳомиладор аёлларда T/T генотиби (9,3%) нисбатан кўп учраб туришига қарамай таққосланган гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ йўқлигини кўрсатди.**




**Расм 4. Преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган аёллар гуруҳи ва назорат гуруҳида eNOS генида C774T полиморфизм генотипларининг тарқалиш частотаси.**

AGTR1 генида A1166C полиморфизмининг аллелларини преэклампсия ривожланиш хавфи бўлган аёллар гуруҳи ва назорат гуруҳида тақсимланиш частотасини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, таққосланган гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ

